

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – БУЮК КЕЛАЖАК ҚАЛҚОНЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-31-40>

Мухтаров Азамат Мухтарович

ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудир

Фалсафа фанлари доктори, профессор

E-mail: MUXTAROV.0060@INBOX.RU

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг асосий қатлами ҳисобланган ёшлар учун давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар ва истиқболли режалар тўғрисида маълумотлар берилган.

***Калим сўзлар:** Янги Ўзбекистон, ислохот, беш ташаббус, илмий салоҳият, ёшлар таълим-тарбияси, фан, маданият, маънавий мерос.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о возможностях, создаваемых государством, и планах на будущее для молодежи, которая составляет основную прослойку Нового Узбекистана.

***Ключевые слова:** Новый Узбекистан, реформа, пять инициатив, научный потенциал, образование молодежи, наука, культура, духовное наследие.*

ABSTRACT

This article provides information about the opportunities created by the state and future plans for young people, who are the main layer of the New Uzbekistan.

***Keywords:** New Uzbekistan, reform, five initiatives, scientific potential, youth education, science, culture, spiritual heritage.*

“Сайёрамизнинг эртанги кун, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.”[1]

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор

даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлаган эди: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз”[2] Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва унинг бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва вазифалар амалга оширилмоқда. Унинг мақсади юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳар томонлама ва жадал тараққиётини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилаётганлигидан, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдир. Шу боисдан ҳам ёшлар тафаккури софлигини сақлаш, уларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ўта долзарб вазифадир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Ҳар йили Янги Ўзбекистон ёшларини қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур бўлган барча имкониятларни яратиб бериш мақсадида турли ҳил ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртимиз бўйлаб 2021 йил 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлари ва талабалари Форуми 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил қизларимиз иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестиваллар барча ёшлар учун етуклик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати

сафларида ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиққанлиги юксак таҳсинга сазовордир.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан ана шу ёшлик онларида яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз. “Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир”, деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ёшлар кунига бағишланган маърузасида.

Ҳақиқатан ҳам биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўйилмоқда.

Шу билан бирга Президентимиз ўзининг ҳар бир нутқида ёшларни тарбияси одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ масала доимо уни ўйлантириб келаётганлигини алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди:

“Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз.”[3] Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланиб, бу фаолиятда сансоларлик, ўзбошимчалик ва айниқса, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай давлатнинг истиқболи шу мамлакатда вояга етаётган ёшларнинг таълими, тарбияси ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир.

НАТИЖАЛАР

Маълумки, таълим ва тарбия жараёнини юксалтириш масалалари барча даврларда ҳам инсониятни қизиқтириб келган. Ватанимиз тарихи ҳақидаги энг қадимий манба бўлмиш “Авесто”да ҳам боланинг тарбияси хусусида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан: ”Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги(таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш

зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”[4;35]. Дарҳақиқат, бундан 30 аср муқаддам айтилган бу жумлалар бугунги кунимиз учун ҳам ғоят аҳамиятли. Инсон ўз ҳаёт йўлида тарбия деб аталмиш китобнинг ҳар бир саҳифасини кунт билан ўқиб, ўрганмас экан, ҳар янги саҳифанинг очилиши унга кўплаб қийинчиликлар туғдираверади. Буюк юнон файласуфи Аристотель шундай таъкидлаган эди: ”Ота-она болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўладилар”.[5;32] Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ҳам энг кўп ишлатилган сўз илм сўзидир. Пайғамбаримиз ҳадисларида “Мингта оддий оми одамдан битта илмли киши фойдалироқдир”, деган экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар: “Аллоҳ илмни бандаларнинг қалбидан суғуриб олишлик билан олиб қўймайди. Лекин олимларни (вафот эттириш) билан олиб қўяди. Шунда бирорта ҳам олим қолмагач, инсонлар илмсиз (одам)ларни ўзларига пешво қилиб оладилар. Улар инсонларга илмлари бўлмагани ҳолида фатво берадилар. Натижада ўзлари ҳам адашади ва ўзгаларни ҳам адаштиради”.[6]

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - билимсизликдир”[7;11], деб тўғри гапни айтган эди. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Бироқ кейинги пайтларда диний илмларни сохталаштириш, уларни қандайдир сиёсий мақсадлар йўлида атайлаб бузиб талқин қилиш, бу йўлда, умуман, диний илмларга алоқаси бўлмаган динсизларнинг сохта дин тарғиботчисига айланиб қолиши, динни сиёсийлаштириш ва ҳарбийлаштириш мудҳиш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Президентимиз БМТ юксак минбаридан туриб билдирган фикри ҳам ана шу муҳим ва умумбашарий муаммога қаратилган эди. Шу боисдан ҳам Олий Мажлис Сенатининг 16-ялпи мажлисида (2021 йил 26 июнь) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни муҳокамасида қонуннинг мақсади виждон эркинлиги қафолатларини кучайтириш, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминлашнинг қонуний механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлатнинг дин ишлари бўйича сиёсатини такомиллаштиришдан иборат. Ушбу қонун ўтган давр мобайнида фуқароларнинг диний эътиқодини амалга

оширишда дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш, диний таълим олиш ҳамда диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритишни таъминлаш, динлараро ва миллатлараро низолар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида ҳам маърифатнинг асосий манбаси бўлган муқаддас динимизнинг таълим тарбия, маънавий камолотдаги ўрни хусусида алоҳида урғу берилди. “Таълим ва маърифат – тинчлик ва буюдкорлик сари йўл” шиори ИХТнинг анжумани мавзуси этиб белгилангани бежиз эмас.

2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқида илгари сурган 9 та ташаббуслари, хусусан улар ичида “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида” БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси қўллаб қувватланди.

Ўзбекистонда “Ёшлар парламентлари”, “Ёшлар ишлари агентлиги” фаолият кўрсатмоқда. 2020 йил август ойида БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон раҳбари ушбу анжуманда яна бир бор БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди. Шунини таъкидлаш жоизки, 2020 йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлари ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилди. 2020 йилда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди. Шунингдек, у ЕХХТ Доимий Кенгаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Чунки Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча

жараёнларда ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади.

Ёшларимиз Ватан равнақига хизмат қилишга, “Ўзбекистон-2035” стратегиясини рўёбга чиқаришга қодир, деган давлатимиз раҳбарининг ғоясига кўра, бу дастуриламал ҳужжат Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илғор давлатлар сафига киришдек улуғвор мақсадга етиши бўйича вазифалар белгилаб берилди. Илк қадам сифатида экспортни ошириш ҳамда инвестицияларга жуда катта эътибор берилди. “Дадил айта оламан бугун биз “ўзбек мўъжизаси”нинг остонасида турибмиз. Бу нафақат орзу, балки исбот талаб қилмайдиган воқелик - аксиомадир”[8].

2020 йил 25 декабрь ойида мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган Ёшлар форуми миллионлаб ўғил-қизларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Барча шаҳар ва туманларда ташкил этилган бундай анжуманларда ёшларимиз томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифларнинг аксарияти “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дстуридан жой олди.

Бугун ҳаётимиз қайси соҳа ва тармоғини олмайлик, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилиб, уларга зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Сўнгги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошгани бунинг яққол далилидир.

Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Кейинги бир йилда билимли ва тиришқоқ ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 4 та олтин, 18 та кумуш ва 29 та бронза медалларини қўлга киритишди. 2021 йилда Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчиларнинг барчаси муддатидан аввал нуфузли хорижий олий ўқув юртлирига грант асосида ўқишга кирди.

Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртлири сони 127 тага етказилди, 26 та хорижий ОТМ сининг филиаллари очилди. Шунингдек, кейинги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, 2021 йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Эътиборлиси, мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига камрови 2016 йилдаги 3 фоиздан 2021 йилга келиб 28 фоизга етди.

Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилди. Эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга олий ўқув юртларига кириш учун алоҳида грантлар яратилди.

Мамлакатимизда яна бир олий таълим маскани – “янги Ўзбекистон” университети ташкил этилди ва унга кўп йиллар Европадаги энг нуфузли университетлардан бири бошқарган германиялик таниқли профессор ректор сифатида танланди. Университетда таълим жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича дуёдаги етакчи олий ўқув юртлари – АҚШ нинг Массачусете технология институти, Стенфорд университети, Буюк Британиянинг Кембрич университети, Германиянинг Мюнхен техника университети ва бошқа нуфузли хорижий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борилмоқда. “Янги Ўзбекистон” университети жамоаси зиммасига 2030 йилда жаҳоннинг 1000 та энг яхши университети рейтингига киришдек катта вазифа юклатилган.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши мақсадида Республикамизда 51600 дан зиёд спорт иншоотлари қурилиб, 100 мингдан ортиқ спорт тўғараклари ташкил этилди. Ўтган икки йил давомида Олимпия ўйинлари ғолиблари, жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлган 204 спортчи туман ва шаҳарларига бириктирилди. Шунингдек 92 нафар худди шундай спортчи спорт мактабларида раҳбарлик лавозимига тайинланди. Бугун юртимизда 283 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби, 15 та ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, 15 та олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 6 та олий спорт маҳорати мактаби 6 та спорт турларига ихтисослаштирилган республика мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилишга йўналтирилган . “Ёшлар кутубхонаси” рукни остида 59 номдаги 590 минг дона бадиий адабиётлар чоп этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларига тарқатилган. Ўзбекистонда таълим муассасалари учун 7 йилда дарлик ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. “Маърифат карвони” тадбирлари доирасида 3 млн. дан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди. 1677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган.

Шуни унутмаслик лозимки, маърифатли инсонлардан тузилган жамиятнинг келажаги буюк бўлади.

Бугун биз бошимиздан кечираётган ўта тахликали ва қалтис замонда ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароит юзага келди.

МУҲОКАМА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 19 январ куни ўтказилган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мавзусидаги видеоселектор”да шундай таъкидлаган эди: “Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир.”[9] Шу боис жамият маънавий тараққиётини таъминлаш, ёшларнинг таълим ва тарбия жараёнларига юксак масъулият билан қараш ва уни сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бир қанча тавсияларни таклиф сифатида киритишимиз мумкин:

1. Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб, ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уринишлар бўлаётган бир пайтда ёшлар онги ва қалбида “мафкуравий иммунитет”ни янада кучайтириш;

1. Ахборот-коммуникация кун сайин ривожланиб бораётган асримизда ёшларнинг виртуал оламнинг асирига айланиб қолмасликларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш ишларини амалга ошириш;

2. Ғаразли мақсадлар йўлида одамлар, миллатлар бир-бирига қарши қуйилаётган бир даврда миллий бирликни, миллатлараро тотувлини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

3. Ёшларни ўз ҳаётидан, мавжуд сиёсий тузумидан норози бўлишга даъват қилувчи ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки секталарнинг фаолиятини чеклаш;

4. Турли ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучларнинг қарамоғига тушиб қолмаслик учун халқимизни, айниқса, ёшларимизни хушёрлик ва бирдамликка чорлаш ҳамда улардаги мустаҳкам ирода, бақувват иймон ва гўзал ахлоқ руҳида тарбия қилишимиз ҳар доимгидан ҳам муҳимроқдир. Демак, мана шу масъулиятли жараёнда ҳар бир мураббий, тарғиботчи, ношир, журналист, ота-она, маҳалла, таълим муассасаси бирдек масъул бўлиши ҳамда ўзининг мафкуравий иммунитетини, профессионал маҳорати шунингдек, фуқаролик позицияси билан таянч бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини юқори баҳолаб, мавжуд имкониятлар ва истиқболдаги режаларни инобатга олиб, айтишимиз мумкинки, жамиятнинг тарбияга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартирмасдан туриб, соҳани тубдан такомиллаштириш мумкин эмас. Чунки тараққиётнинг моҳияти ҳамда унинг жадал суръатлар билан юксалиб бориши мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитнинг савияси ва камолот даражасига болиқдир. Қайси жамиятда маънавий тараққиёт даражаси юксак бўлса, билинки, шу муҳитда яшовчи инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам юқори бўлади. Шу боисдан ҳам буюк жаҳид бобомиз Абдулла Авлоний ўзининг “Тарбия ёхуд ахлоқ” номли асарида “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” деб таъкидлагани бежиз эмас. Шундай экан, таълим ва тарбия жараёнини янада ривожлантириб, янги босқичларга кўтариш Янги Ўзбекистон давлатининг энг устувор мақсадидир!

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.
2. “Тараққиёт стратегияси” марказининг расмий сайти. 24 Июль 2019 й
3. Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти. 30.06.2021
4. Ўзбек педагогикаси антологияси, муаллифлар жамоаси “Ўқитувчи”1995 й 225 б.
5. Е.Саитов, Оталар сўзи-ақлнинг кўзи. “Ўқитувчи”, Т; 1992 й.32 б.
6. “Ислом маърифати: аслият ва талқин китобидан.”
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.-Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.-115 б.
8. “Халқ сўзи”, 2019 йил 26 февраль.
9. Мирзиёев Ш. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мавзусидаги видеоселектор. 2021 йил 19 январь.
10. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
11. Saifnazarov, I., Hujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.

12. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1171-1182.
13. Алиев, Б. (2022). Тараққиётда ахборотлашув ва рақамли иқтисодиёт. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 933–947.
14. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.
15. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g‘iyosiyot” qo‘lyozma asarida aql va e‘tiqod masalasining qo‘yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1058-1068.
16. Safarov, M. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida insonning o‘z kamchilliklarini anglashi va uni bartaraf qilishi muhokamasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (9) 68-71.

Электрон ахборот ресурслари:

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.Ziyo.net>
3. <http://www.kun.uz>